



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Инни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлардаги барқарор ва ишончли ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли манфаатларга асосланган стратегик шериклик муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболлини белгилашда мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Учрашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга бўлажак давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик бўйича катта таърибга тўплаган. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестицияси ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 651 корхона фаолият кўрсатмоқда, бир қанча муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилган.

Икки мамлакат ишбилармонлари «Ангрен» махсус индустриал зонасида шина ва конвейер ленталари ишлаб чиқариш заводи, «Навоийазот» акциядорлик жамияти базасида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш бўйича ва бошқа йирик лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўп асрлик тарихий ришталарга асосланган таълим, илм-фан, технологиялар, тиббиёт ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларда Хитойнинг иштироки ва Ўзбекистон — Хитойнинг ўзаро ҳамкорлигига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШХТнинг кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммити муҳим сиёсий воқеа бўлиб, саммит давомида ташкилотнинг турли соҳалардаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниши таъкидланди.

Меҳмон Президентимизга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида 21 май куни Сурғил кони негизда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори нефт-газ ва кимё саноатида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июни ойида Ўзбекистон Республикасига, Президент Ислам Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Президентимиз раҳнамолигида иқти-

содиётимизни диверсификация қилиш ва модернизациялаш, юқори технологияли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида улкан муваффақиятларга эришилди. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илғор технологияларга асосланган нефт ва газ кимёси саноати шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда.

Нефт-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хомашё экспорт қилиш ҳаж-

мини ошириш, балки уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланган. Бунинг самарасида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда, йирик мажмуалар, янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидан, асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан бири. Икки давлат Президен-

тарининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари самарасида ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Жанубий Корея ишбилармонларининг фаол иштирокида иқтисодиётимизнинг турли йўналишларида, жумладан, нефт-газ соҳасида кўплаб стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Корея Республикаси компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида геология-разведка ишларини амалга ошириш, углеводород конларини аниқлаш ва ўзлаштириш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

▲(2).

### Ўзги соғломлаштириш

## Оромгоҳлар мавсумга шай

Ҳадемай болалар орзиқиб кутаётган ёзги дам олиш мавсуми бошланади. Хушманзара табиат кўйидаги масканлар уларга кучоқ очиб турибди. Фарзандларимизнинг келажакда ким бўлиши болаликни қандай ўтказишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу беғубор фаслда олинган гўзал таассуротлар, ёқимли хотиралар кишини бир умр тарқ этмайди, доимо жўшин ҳаёт кўйида яшашга ундайди. Касаба уюшмалари шу мақсаддан келиб чиқиб, доимий равишда ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

Мамлакатимизда Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишни ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси тасдиқлангач, оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш имконияти кенгайди. Шунингдек, йилдан-йилга соғломлаштириш ишларининг сифати, дам оладиган болалар сони оширилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан болалар оромгоҳларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий дам олиш масканларига айлантиришга катта эътибор қаратилиб, оромгоҳлар йилдан-йилга янгиланиб бораёпти.

Жорий йилда мамлакатимиз микёсида 1 минг 204 та оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ўтган йилгига нисбатан 55 та кўп дегани. Улардан 213 таси стационар, 851 таси кундузги, 140 таси Меҳнат ва дам олдирish оромгоҳларидир. Ушбу оромгоҳларда 292 минг 46 нафар, шу жумладан, стационар оромгоҳларда 153 минг 861 нафар, кундузги оромгоҳларда 138 минг 185 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Бу ўтган йилгига нисбатан болаларни соғломлаштириш қамрови 5 минг нафарга ортганини кўрсатмоқда.



Жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти сифати ва самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу йил ёз мавсуми давомида республикамиз ҳудудларида 15 та интеллектуал ривожлантириш, 14 та экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 та техник ижодкорлик, 14 та бадий ижодиёт, 7 та ижтимоий мослашув оромгоҳлари ташкил этилади. Шунингдек, ўсмир ёшдаги болаларни дам олдирish мақсадида 140 та «Меҳнат ва дам олдирish» оромгоҳи фаолият кўрсатади.

Бу йил мавсумга ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ҳозирлик кўрилди. Федерация Кенгаши мутахассислари, тегишли мутасадди идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар томонидан жойлардаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумини янада намунали ташкил этишга бағишланган ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.

▲(4).

### Кучли фуқаролик жамияти сари

## Адолат ва ошқоралик тамойили

Андижон туманидаги Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига сайлов жараёни қонунийлик, адолат, ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этилди.

Уч нафар номзод орасидан энг кўп овоз олган Муқимжон Розиков раис лавозимида фаолият бошлади. Унинг ҳаракат дастуридан ўрин олган ёшлар тарбияси, ҳудудни ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқа ҳўжалигини янада ривожлантиришга оид вазифалар аҳолига манзур бўлди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, ташаббускор, халқ дарди билан яшайдиган 11 нафар маслаҳатчи сайланди.

— Сайловларда фуқароларнинг эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими раиси Қодиржон Ризаев. — Бу юртдошларимизнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги юксалиб бораётганидан далолат.


Шу пайтга қадар вилоятдаги мавжуд 968 та фуқаролар йиғинининг 581 тасида сайлов қонунийлик талаблари асосида ўтказилди. Раисларнинг 275 нафари олий маълумотли ҳамда муайян соҳаларнинг етакчи мутахассислари экани кадрлар сифати яхшилангандан далолат беради. Мазкур лавозимда илк бор иш бошланган 336 нафар раисга катта ишонч билдирилгани, дастурлардан ўрин олган хилма-хил ва устувор вазифаларнинг пировард мақсади — маҳалла институтини янада ривожлантириш, юртимизни тарққий эътиришга хизмат қилишга қаратилганлиги аҳамиятлидир.

Нурилло НЎЪМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири




Ҳисобчилар  
учун ўқув

>> 2



Ходим ҳуқуқи  
тикланди

>> 3



Вадим  
Олимпиадага  
боради

>> 4

# Истиқболли ҳамкорликнинг юксак самараси



**Қ(1).** Сурғил қони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. Унинг қурилиши давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган мамлакатимиз саноатини кенг қўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилди. Бу нефт-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ ҳудудига узоқ муддатли молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилган дастлабки кенг қўламли лойиҳадир.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги асосий шериги ва стратегик ҳамкори эканини алоҳида таъкидлади. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳалардаги алоқаларни янада тараққий эттиришга устувор аҳамият бериши-

ни, Устюрт газ-кимё мажмуасининг муваффақиятли ишга туширилгани нефт-газ ва кимё соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини қайд этди.

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи мамлакатга айланди, — деди Хван Гё Ан. — Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлаётгани, иқтисодийнинг модернизация қилишга оид дастурлар ҳаётга ички татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёдаги энг йirik лойиҳалардан бири. Мазкур мажмуа нуфузли халқаро наشرлар томонидан юксак эътироф

этилган. Хусусан, «Project Finance International» халқаро наشري ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефт-кимё ва газ-кимё секторидидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. У «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» наشرларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро наشر — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефт-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83

минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

— Мазкур йirik мажмуани барпо этишга ўз хиссамизни қўшганимиздан гоят мамнунмиз ва бу билан фахрланамиз, — деди Устюрт газ-кимё мажмуасининг лойиҳа директори, «Hyundai Engineering» компанияси вакили Ким Ван Су. — Ўзбекистон улкан интеллектуал салоҳиятига эга мамлакат эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Президент Ислом Каримовнинг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратаётган алоҳида эътибори мазкур мажмуанинг қурилишида астойдил меҳнат қилган ўзбекистонлик профессионал ёш мутахассислар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди. Келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш, қўшма лойиҳаларимиз кўламини кенгайтириш ниятидамиз.

— Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун яратилган қўлай шароит, имтиёз ва қаролатлар тизими мамлакатимизга сармоа кириштириш кенгайтиришга муҳим омил бўлмоқда, — деди «Lotte Group» компанияси раиси Шин Дон Бин. — Қўллаб-қувватлаш молия институтлари, нуфузли фирма ва компаниялар бу ерда қатор йirik қўшма лойиҳаларни амалга ошираётгани бунинг далилидир. Сурғил қонида барпо этилган мазкур мажмуа бунга ёрқин мисол бўла олади. Президент Ислом Каримов мазкур лойиҳани амалга ошириш ишларини ҳар бир босқичда қўллаб-қувватлагани, мамлакатларимизнинг мустаҳкам ҳамкорлигининг қурилишини ўз вақтида яққол имконини берди. Устюрт газ-кимё мажмуасининг самарали фаолияти Ўзбекистон нефт-газ ва кимё

саноатини янада тараққий эттиришга, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшади. Бу лойиҳани амалга оширишда бизни яқиндан қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларига сиймий миннатдорлик билдирамиз.

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодий ички тараққий этмоқда, — деди «Kogas» компанияси президенти Ли Сёнг Хун. — Мамлакатимиз билан кўп йиллардан бундан тўлиқ йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Устюрт газ-кимё мажмуаси улардан бири. Келгусида ўзаро алоқаларни янада қавватлаштириш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Қурилиши 2012 йилда бошланган Устюрт газ-кимё мажмуасида газни тақсимлайдиган, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги русумдаги ускуналар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг уч юздан зиёди коллеж битирувчиси.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшлар бизнинг бугунги ва эртанги кунининг халқ қилувчи кучидир, деган сўзлари бизга доимо қанот, куч бағишлайди, — деди Устюрт газ-кимё мажмуасининг полиэтилен ишлаб чиқариш цехи оператори Азизбек Калиев. — Биз, ёшларга билдирилган бундай ишонч ва яратилган шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик фаол иш юритишимизда куч-ғайрат бағишлаб, янги марраларни эгаллашга чорлайди. Коллежни би-

тиргач, ушбу газ-кимё мажмуасига ишга қабул қилиндим. Бундай гоят йirik ташкилотда меҳнат қилиш катта шараф. Ушбу мажмуада самарали ишлашимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча шароит яратилган.

Устюрт газ-кимё мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни синов тарихида ўтган йили бошланган эди. 2015 йилда 54,9 минг тоннадан зиёд суолтирилган углеводород гази, 34 минг тоннадан ортиқ газ конденсати ишлаб чиқарилди. Магистрал газ қувурларида 1,8 миллиард куб метрдан ортиқ этан ва газ, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти энергия тизимида 87,5 минг мегаваттдан зиёд электр энергияси етказиб берилди. Айти пайтда пиролиз дистилляти Бухоро нефтни қайта ишлаш завоидига бензин тайёрлаш учун юборилмоқда. Полиэтилен ва полипропилен қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Шу кунга қадар қарийб 150 миллион долларлик 186 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ва полипропилен Марказий ва Шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларига жўнатилди. Маълумотларга кўра, 2020 йилга бориб полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажми 4,1 баробар ошади.

Муҳтасар айтганда, Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардига аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан сўзга чиқди.

**Нодира МАНЗУРОВА, Аминбой ОМТИҚБОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.**  
ЎЗА фотомухбири  
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## Танлов

### Ёш мутахассислар сараланди

«Кўнгирот сода заводи» унитар корхонасида ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловига жамоадаги қўллаб ёш ходимлар иштирок этиб, ўз мутахассислиги бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди.

— Иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, навқирон авлод вакилларида ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини юксалтиришга қўмақлаш мақсадида ўтказилаётган тадбирга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Аллияров. — Чунончи, танловда жамоамизда самарали фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган 46 нафар ёш мутахассис иштирок этгани фикримиз далилидир.

Танлов шартларига кўра, иштирокчиларнинг фаолияти, интеллектуал, менежерлик ва касб салоҳияти турли мезонлар асосида баҳоланди. Айрим йўналишларда катнашчилар иши бевосита цехларда ўрганилди. Мутахассисларнинг ўз гоа ва лойиҳаларини тақдим қилишдаги маҳорати ҳам синовдан ўтказилди. Натижада, корхонанинг «Оҳа қуйдириш» цехи инженер-технолог Бахт Мамбетов «Энг фаол ёш кимёгар» деб топилди, танловнинг кейинги босқичига йўл олди.

— Кимё соҳасида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда доимо изланиш, инновацион технологияларни жорий этиш муваффақиятнинг муҳим омилли саналади, — дейди корхона бошқаруви раиси Фарход Собиров. — Шунинг учун ҳам биз бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

**Баҳром ҚУВВАТОВ,**  
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

### Ғолиблар тақдирланди

Ёшлар, айниқса, коллеж битирувчиларининг меҳнат ҳуқуқини яқши билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода ҳуқуқий саводхонликни ошириш, меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартларни кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда ўтказилаётган «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танлови эътиборга молик.

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловнинг дастлабки босқичлари юқори савияда ўтказилди. Жорий йил 11-13 май кунлари Фарғона, Марғилон, Қўқон ҳудудларида танловнинг вилоят босқичи ташкил этилиб, унда ҳам ўқувчи-ёшлар тест синовини ҳамда ҳуқуқшунос мутахассислар билан савол-жавоб орқали меҳнат муносабатларига оид билимларини намойиш этишди.

Фарғона ҳуқуқшунослик коллежида танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди. Танловда 1-ўринни эгаллаган мазкур коллеж ўқувчиси Ойбек Умаров, 2-ўрини соҳибни Риштон саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шохсанам Абдуазизова ҳамда 3-ўринга лойиқ қўрилган Қўқон давлат педагогика институти қошидаги Риштон академик лицейи ўқувчиси Мохинур Аҳмадзонова вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, юқори натижаларга эга бўлган бир қатор коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан мукофотланди.

**О. ҚОЗИХОНОВА,**  
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири



### Ҳисобчилар учун ўқув

ЎзКУФК ўқув марказида Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқда фаолият юритувчи 25 нафар ҳисобчиларнинг ўқуви ташкил этилди. Ўқув давомида тингловчилар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнатни муҳофаза қилиш, молия, санаторий йўлланмаларидан фойдаланиш, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида иш юритиш бўйича билимини оширди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотларида электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилиб, яқунда олинган билимлар бўйича тест синовини ўтказилди. Тест синовлари бўйича тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

**Икром ҲАСАНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### Жамоа шартномаси — амалда

## Меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш мақсадида вақтбай ва ишбай шаклларида бирдек фойдаланилмоқда

Ҳар қандай корхона, ташкилот ва муассасада оддий фаррошдан тортиб, раҳбаргача ҳар кимнинг ўз ўрни, вазифаси бор. Ким қайси ишни бажаришидан қатъи назар унинг меҳнати муносиб баҳо-ланиши даркор. Инсон меҳнати қадрланган жойда жамоа аҳил, иш унумдорлиги юқори бўлади. Бир жамоада ишлаган билан ҳар бир касб эгасининг бажарадиган иши ҳам, маоши ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Дейлик, бухгалтер ҳисоб-китоб билан шуғулланса, ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқаради. Навбатчи ва қоровуллар кириш-чиқиш, корхона мулкни қўриқлаш каби ишларни амалга оширса, фаррошлар орасталликка жавобгар.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ходимнинг бажарган ишига яраша ҳақ тўлаш меҳнатни муносиб ба-

ҳолашнинг муҳим шартларидан. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг 2015 – 2017 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси билан яқиндан танишиб, айнан шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўлдик.

Пойтахтимиздаги юздан зиёд газета ва журналлар, китоблар чоп этиладиган ушбу нашриётда 709 ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 18 та бўлим, 15 та цех ва компанияга қарашли ташкилот ҳамда ёрдамчи хўжаликларни ўзига бирлаштирган жамоада ўттизга яқин касб эгаларини учратиш мумкин. Ишлаб чиқариш, молия ва ҳисоб-китоб, ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция, босмахона каби турли бўлимларда ишлаётган мутахассис, уста, ношир, инженер, диспетчер, технолог, бухгалтер, кассир, юрист ва шунга ўхшаш қўллаб касб эгалари бажарадиган вазифа, меҳнат шариоити чуқур ўрганилиб, сўнгра тегишли ҳулосалар чиқарилганлиги шундоқкина кўриниб турибди.

**КАФОЛАТ ИШТИЁҚ УЙГОТАДИ**  
Нашриётда меҳнатга ҳақ тўлаш тарифларининг вақтбай ва ишбай шаклларида фойдаланилаётгани ҳар бир ходимнинг меҳнатига яраша маош олишини таъминламоқда. Шу билан бирга, технологик, энергетик асбоб-ускуналар, электрон ҳисоблаш механизмлари билан ишлайдиган айрим бўлим ва цех ишчилари учун иш ҳақига нисбатан 1,31, матбаачилар учун 1,053 микдорда тармоқ коэффициентлари қўлланилмоқда. Бир неча лавозимда ишлаш, хизмат кўрсатиш

## Қулайлик

### «Ягона дарча» вақтингизни тежайди

Бугун тадбиркорнинг фаолиятига акс таъсир этадиган барча овозгарчиликлар барҳам топди ҳисоби. Эндиликда у бирор муаммо юзасидан идорама-идора сарсон бўлмайди, кимларнингдир қўш-қовоғига қараб ўтирмайди. Асосий эътиборни фаолиятини янада ривожлантиришга қаратади, янги режалар устида бош қотиради. Албатта, бу юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар самарасидир.

Эътиборлиси, барча жойлардаги тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизда «Ягона дарча» марказлари ташкил этилиб, ушбу марказлар томонидан ишбилармонларга 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Қўшқўпир туманида жорий йилнинг март ойига қадар «Ягона дарча» маркази қўмағида 203 та тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Улардан 194 таси интернет тармоғи орқали электрон рўйхатдан ўтган. 92 та юридик шахс ва 226 та яққа тадбиркор иштирокчиларнинг давлат реестридан чиқарилган.

Марказларнинг эътиборга молик жиҳати, барча аризалар электрон тарзда юборилди ва жавоб бериш муддати қатъий белгиланган. Агар кўрсатилган муҳлатда масъул ташкилотлардан тоғишлича жавоб келмаса, уларга маъмурий жавобгарлик белгиланган.

— Тадбиркорлик субъектла-

**Шахноза ТАНГРИБЕРГАНОВА**

доираси кенгайиши, иш ҳажмининг ортиши, вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифаларини ҳам бажараётган ишчи ёки хизматчиларнинг иш ҳақи Вазирлар Маҳкамасининг 297-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида тўланмоқда. Йўлқира, хизмат сафарлари, доимий тураржойидан бошқа ҳудудда яшаган вақтидаги ижара харажатлари каби тўловлар тегишли конуности ҳужжатлари асосида амалга оширилаётди.

Кези келганда шунга ҳам айтиб ўтиш зарурки, касаба уюшма кўмитаси иш бериувчи билан келиш-ҳолда меҳнатни ташкил этишининг прогрессив шакллари қўллаш, иш сифатини кўтариш, касб маҳоратини ошириш мақсадида айрим ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш учун устамалар ўрнатиши мумкин. Бунда, асосан, иш маҳорати юқорилиги, кўп йиллик узуқуёс меҳнат фаолияти, бажараётган вазифасининг ўта мураккаблиги каби жиҳатлар инобатга олинади. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан илмий даражаси, илмий унвони бўлган шахслар ҳам устамалар жорий қилинган.

**ИШ БЕРУВЧИ ҲАММАСЛАК БЎЛСА**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг 2012 йил 3 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялари асосида йил бошида касаба уюшма кўмитаси билан маъмурий ўртасида битим тузилади. Шунга кўра, ходимлар меҳнати ҳафсизлигини



## Оромгоҳлар мавсумга шай

(1).

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Бўстонлик туманида жойлашган Республика Давлат Солиқ кўмитасига қарашли «Баркамол» болалар спорт ва дам олиш оромгоҳида бўлиб ўтган семинар икки босқичда, яъни ялли йиғилиш ва ҳар бир соҳа мутахассислари учун ташкил этилган секциялар тарзида ўтказилди.

Ялли йиғилишда Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари томонидан иштирокчиларга мавсумда оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, болаларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқarli дам олишини таъминлаш йўналишларида устувор бўлган масалалар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Интерфаол усулларда ташкил этилган шўба машгулотларида ҳар бир соҳа вакиллари, хусусан, педагог кадрлар, ётакчилар ва тўғарак раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тиббиётчилар, техник ходимларнинг тарбиявий ишларни кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни қизиқишига мувофиқ тўғаракларга жалб этиш, тегишли хужжатларни юритиш каби соҳалардаги билим ва кўникмалари оширилди.

Худудий семинарлар доирасида ташкил этилган кўргазмаларда Болаларни соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидagi Ишчи гуруҳлари томонидан тегишли йўналишларда ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар, таркатма материаллар, плакатлар, оромгоҳларда фаолият юритиши режалаштирилган тўғараклар, кутубхоналар фаолияти, ўтган йилги соғломлаштириш мавсуми ахбороти мувофиқ кўра энг намунали деб топилган оромгоҳлар фаолиятига оид стендлар намойиш этилди.

Хоразм вилоятида бу йил 31 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, 11190 нафар ўқувчини дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган. Жумладан, 15 та стационар оромгоҳда 6140 нафар, 16 та кўндалги оромгоҳда 5100 нафар болани соғломлаштириш белгиланган.

Хонқа туманидаги «Соғлом авлод» оромгоҳида вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил қилинган ўқув-семинарда мавсумда оромгоҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Хўжаннўзова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходими Ш. Саидхоннов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди. Семинарда мутасадди ташкилотлар вакиллари мавсумга тайёргарлик юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида ахборот беришди.

Шундан сўнг ўқув-семинар машгулотли дастурига мувофиқ, етти йўналишда — оромгоҳ бошиқлари, тарбиячилари, ётакчилари, тиббиёт ходимлари, оромгоҳдаги ички ишлар ходимлари, спорт йўриқчилари, ҳисобчилар билан алоҳида шўба машгулотлари олиб борилди. Мавсумни



кўнгалли ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Бухоро вилоятида бу йил ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Соғлом оҳна ва бола йилида шаҳар ташқарисидagi ва мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда 17400 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Соғломлаштириш масканларида 1167 нафар педагог ва 144 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бухоро туманидаги «Мовий гулкан» оромгоҳида ўтказилган ўқув-семинарда оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлиги таҳлил этилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли мутасаддилар ахбороти тингланди. Мавсум ташкилотчилари, оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, ётакчилар, оромгоҳларда фаолият юритадиган тиббиёт, ички ишлар ходимлари, спорт йўриқчилари, «Камолот» ЁИХ, маданият ва спорт ҳамда факултетада вазиятлар бошқармалари вакиллари, ҳисобчилар ўзаро фикр алмашиб, янгиликлардан хабардор бўлди.

Ўқув-семинарда қатнашган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Тўйева ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг масъул ходими Э.Юсупов мавсумни кўнгалли ўтказиш босқичидаги вазифалар тўғрисида батафсил тўхталди.

Тадбир сўнггида «Ёш алоқачи» оромгоҳининг тақдироти ўтказилди.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган семинар ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишда мутасадди корхона, ташкилот ва мутасаддиларнинг вазифалари мавзусига бағишланди.

Бирлашма кенгаши раиси Н.Пардаев таъкидлаганидек, вилоятда ҳар йили болаларни ёзги соғломлаштиришга гўяда масъулият билан ёндашилади. Бу борадаги режалар ортиги билан бажарилмоқда. Ўтган йили тўққиз ярим мингдан ортиқ бола ёзги мавсумда турли тилдаги оромгоҳларда мириқиб хордиқ чиқарган бўлса, жорий йил шаҳар ташқарисидagi 14 та стационар, мактаблар қошидаги 60 та кўндалги оромгоҳларда жами 9525 нафар бола дам олдирилиши режа қилинган. Хозирда барча оромгоҳларда тайёргарлик ишлари ниятланмоқда.

Семинарда ўтган йил болаларни соғломлаштириш мавсумида йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталди, жорий йилги мавсумни намунали ташкил этишда мутасадди ташкилот ва муассасалар зиммасига юкланадиган вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходими Акмал Исоқов болаларнинг ёзги дам олишини юқори савияда ташкил этишда касаба уюшмаларининг ролига тўхталиб ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Сурхондарёлик болажонлар ҳам ёзининг иссиқ кунларида салқин ва баҳаво оромгоҳларда яйраб дам олишди. Чунки бу йилги мавсумга тайёргарлик анча эрта бошланди, ҳар бир оромгоҳ деярли қайта таъмирланди. Шеробод туманидаги «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод» тармоқларо оромгоҳида бошқарма вакиллари, оромгоҳ директорлари ҳамда 130 нафар раҳбар ва мутасадди иштирок этган кўргазмали семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қ.Боболов Соғлом оҳна ва бола йилида воҳадаги барча оромгоҳлар тўлиқ таъмирдан чиқарилган-

лиги ҳамда зарур қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган, озмиқат захиралари яратилганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Вилоят бўйича 5000 нафар бола тоғ ва тоғолди худудларда жойлашган оромгоҳлар, 13200 нафари эса 153 та ихтисослаштирилган мактаб ва коллежлар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда дам олдирилади. Мавсумда оромгоҳларда коммунал соҳа, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ таъминотида узлишлар бўлмаслиги чоралари кўрилди. Телефон алоқаси узлуксизлиги таъминланди. Ҳамкор ташкилотлар билан оромгоҳларда кўнгалочар маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, воҳанинг экологик жиҳатдан оғир бўлган Узун ва Сароисий туманларидан 100 нафардан кам таъминланган оилалар фарзандларини республикамизнинг сўлим оромгоҳларида бепул дам олдириш режалаштирилган.

Семинарда ЎзКУФКнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Лола Холмунинова мавсумни кўнгалли ўтказиш босқичидаги вазифалар тўғрисида батафсил тўхталиб, иштирокчиларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарди.

Наманган вилоятининг «Норин» оромгоҳида ташкил этилган кўргазма йўқув-семинарда ҳар бир оромгоҳдаги муҳит ва шароит, унда ишловчи кадрларнинг тайёргарлиги мавсум олдидан яна бир бор кўздан кеңирилди. Тадбирда вилоят хокимининг ўринбосарлари Ў.Эргашев, Ҳ.Матқаримов, ВКУТБ раиси З.Маҳқамова, ҳамкор ташкилотлари мутасаддилари, мавсум ташкилотчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Семинарда мавсумнинг асосий мезони сифатли ҳамда хавфсиз соғломлаштириш ва дам олдириш эканлиги алоҳида қайд этилди. Жорий йилда вилоятда 17582 нафар бола оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Семинарда оромгоҳ раҳбарлиги вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан яратилган, ўз ичига Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги Низом, республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси, турли тўғараклар фаолиятини ташкил этиш юзасидан методик ва кўргазмали тавсиялар жамланган қўлланма тарқатилди.

Семинар давомида болажонлар ижросида куй-қўшиқлар, рақсалар ижро этилиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашилди. Шунингдек, семинар катнашчилари ўтган йили Манзилли дастур асосида қад ростлаган «Норин» оромгоҳида дам олувчилар ва ишловчилар учун яратилган шароит, тўғараклар фаолияти билан яқиндан танишди.

\*\*\*

Дунёдаги энг яхши сармоя болалар келажак учун сарфланган маблағдир. Чунки у эртага янги-янги яхшиликлар, имкониятлар қўйиб, яна ўз олдимишга қайтиб келаверилади. Бугун болалар ёзини кўнгалли, дам олишини намунали ўтказишга қаратилган савий-ҳаракатлар эртага эгаларининг қалбига фақат ва фақат яхшилик булуги кўз очишига сабаб бўлиши тайин.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Спорт янгиликлари

РЕГБИ

## Юртимизда биринчи бор

Тошкент вилоятида жойлашган «Дўстлик» майдонида регби бўйича Осиё чемпионати иккинчи дивизион баҳслари катта тайёргарлик билан биринчи марта ташкил этилди. Ушбу мусобақада вакиллариимиздан ташқари Бирлашган Араб амирликлари, Таиланд ва Гуам эркаклар терма жамоалари биринчи дивизион йўлланмаси учун кураш олиб борди.



Мазкур мусобақаларни бевосита кузатиш мақсадида Халқаро регби уюшмаси медиа менежери Жеймс Фижералд ҳамда Осиё регби федерацияси ижрокўм аъзоси Ага Хусайн ташриф буюрди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида меҳмонлар, кўмига ҳамда юртимиз Регби федерацияси вакиллари иштирок этишди.

— Бугунги кунда Осиё регби федерациясига 32 давлат аъзо. Ўзбекистон шу давлатлар орасида кучли олтиликда ўрин эгаллаб турибди. Шу кўрсаткичнинг ўзи ҳам юртингизда регби қай даражада тараққий этиб бораётганидан далолат беради. Яна бир асо-

сий жиҳати, Ўзбекистон регби мактаби ўзига хос тарихга эга ва бугунги кунда ҳам унинг оммавийлик даражаси юқори. Қаердаки оммавийлик юқори бўлса, ўша жойда рақобат муҳити кучли бўлади. Рақобат муҳити юксалган жойда муваффақиятлар ҳам юксали сари буй чўзиб бораверади, — деди Осиё регби федерацияси ижрокўм аъзоси Ага Хусайн.

— Ўзбекистонга келган-нимдан жуда ҳам қурсандман. Регби Осиё кўрғасида йилдан-йилга ривожланиб борапти. 2019 йилги жаҳон чемпионатининг Японияда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Сиз кўриб турган мана бу Жаҳон кубоги Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга олиб келинди. Юртингизга ташрифим давомида шунга яна бир бора амин бўлдимки, Ўзбекистон Регби мактаби катта салоҳиятга эга, — деди Халқаро регби уюшмаси медиа менежери Жеймс Фижералд.

ЎҚ ОТИШ

## Вадим Олимпиадага боради

Халқаро ўқ отиш федерацияси қарорига кўра ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Вадим Скоробаров жорий йилнинг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмага эга бўлди.

Тажрибали спортчимиз Кувейт ҳамда Ҳиндистонда Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун ўйналган Осиё саралаш мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ВП-6 (пневматик милтик) билан ўқ отишда юқори натижаларни қайд этган эди.

Шундай қилиб, Олимпиада ўйинларига йўлланма



олган спортчиларимиз сони 56 нафарга етди.

ТЕННИС

## Қизларимиз — совриндор

Истеъдодли теннисчимиз Нигина Абдураимова Япониянинг Курумэ шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирнинг вице-чемпионига айланди. Ҳамюртимиз соврин жамғармаси 50 минг АҚШ долларини ташкил этувчи турнирда иккинчи рақам остида таснифланган эди.

Финал учрашувида Абдураимова Киока Окамурага қарши қорғта чиқди. Икки соат 52 дақиқа давом этган драматик финал беллашувида япониялик теннисчи 7:6(10), 1:6, 7:5 ҳисобида ғалаба қозониб, бош мукофотни ўз юртида олиб қолди.

\*\*\*

Яна бир истеъдодли теннисчимиз Влада Яқшибарова эса Европанинг Тел-Авив шаҳрида якунига етган турнирнинг жуфтликлар баҳси ғолибасига айланди. Яқшибарова венгриялик Наоми Тотка билан турнирда биринчи рақамли жуфтликни ҳосил қилган эди.

Улар ҳал қилувчи финал учрашувида россиялик тен-



нисчилар — Молина Монова ва Юлия Калабина жуфтликни ортиқча қийинчиликсиз 6:2, 6:1 ҳисобида таслим этиб, бош мукофот соған турнирнинг жуфтликлар баҳси ғолибасига айланди. Влада Яқшибарова, шунингдек, яққалик беллашувларида иштирок этиб, кумуш медал соҳибасига айланди.

Адхам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

«Ипотека-банк» АТИБ томонидан Н.Х.Жумаев номига берилган 337-сонли хизмат гувоҳномаси бекор қилинган деб ҳисоблансин.

**Хурматли юртдошлар!**  
**Мухтарам пойтахтимиз меҳмонлари!**

**РЕСПУБЛИКА**  
**КИТОБ БАЙРАМИ**

Республикамиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзуви ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўмағида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2016 йилнинг 26-28 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида «**Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор**» шиори остида Республика «Китоб байрами» ўтказилмоқда.

Сайл тарзида ўтказилаётган байрам тадбирларида адабий-бадиий, ихтимоний-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдироти, мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган сара асарлар намойиши, таниқли адиб ва шoirлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади.

27 май кун «Китоб байрами» доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзусидаги IV илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда.

**Барча китобсеварларни Республика «Китоб байрами»га тақлиф этамиз!**

**Маълумот учун телефон: 244-12-61**

Фармон ва ижро

## Солиқдан қарзингиз йўқми?

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий микроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан белгилаб берилган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида солиқ ва мажбурий тўловлар билан тўланадиган солиқларнинг ундирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари, хусусан, Миробод туман давлат солиқ инспекциялари томонидан ўтказилаётган семинар ва учрашувларда иштирокчиларга мамлакатимизда солиқ соҳасига оид айрим қонун ва бошқа норматив хужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида маълумот ҳамда тушунтиришлар берилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб

чиқиб Солиқ кодексининг 59-, 61-, 62-моддаларига киритилган ўзгаришларда жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш учун хабарнома уларга берилганлиги тасдиқланган ҳолда топширилиши ва бу бир вақтнинг ўзида солиқни тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома вазифасини ҳам бажариши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзларини қисқартириш бора-бора солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган солиқ тўлов-

чиларга нисбатан мажбурий ундирув чоралари қўрилганга қадар, қарздорларга ортиқча суд харажатларини юкланиши олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда, қарздорликни тўлаш тўғрисида оғоҳлантириш талабномалари тақдим этилади. Оғоҳлантириш муддатларида солиқ қарзларини тўламаган қарздорларга нисбатан мажбурий ундириш чоралари қўлланилади.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш босқичида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида солиқ қарзи микдори олдинги даврга нисбатан сезиларли даражада қисқаряпти.

**А.АБДУНАЗАРОВ,**  
**Миробод туман ДСИ бошлигининг биринчи ўринбосари**

МУАССИС:



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Roklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxdo.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev

Navbatchi:

A. Arslonov

Musahhif:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi:

H. Abdullayev

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.

Korxonaning manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Buyurtma G — 515.

20734 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:40

Topshirildi — 22:20

1 2 3 4 6